



Газета 1966 йил  
1 июлдан  
чиқа бошлаган

ШАХАР ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

## ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ



### Ислоҳотлар оқимида

### ХАЛҚАРО ТАЛАБЛАРГА ЖАВОБ БЕРАДИ

Хорижий ҳамкорлар билан шериклика фаолият кўрсатадиган кўшма корхоналарда тайёрланаётган халқаро андозаларга мос маҳсулотларга ички бозорда талаб юқори бўлиши баробарида ташки бозордан ҳам буюртмалар тушмоқда. Бу албатта, экспорт ҳажми ортишида, ҳамкор давлатлар сафи кенгайишида мухим аҳамият касб этмоқда.

Фаолият бошлаганига ҳам бир йил бўлмасада, ўзига хос муваффакиятлари билан харидорлари сафини кенгайтираётган «Uz Tex Tashkent» масъулияти чекланган жамият шаклидаги Ўзбекистон – Швейцария – Англия кўшма корхонасида маҳаллий хом ашёни кайта ишлаш асосида талабларга мос маҳсулот тайёрланади. Юз фоиз пахта хом ашёсида ишлаб чиқариладиган калава илларининг турларини кўпайтириб, рақобатбардошлигини таъминлашади, буюртмачилар талабига тўла жавоб беришда бунин аҳамияти мумкиндири.

(Давоми 2-бетда)

Янги иш ўринлари ташкил этиши, аҳоли даромади ва турмуш дарражасини муттасил иксалитириб бориши юзасидан пойтактимизда ҳам изчил чора-тадбирлар амалга оширилаётir.

Тошкент шаҳар меҳнат ва ахолини ижтимоий мухофаза килиш бош бошқармаси бошлиғининг биринчи ўринбосари Бахтиёр Мирхоновни айтишича, 2010 йили янги корхоналарни ишга тушириш, мавжудларни модернизация килиш ва кенгайтириш ҳамда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш хисобидан қарийб 80,5 минг янги иш ўрини яратилган. Тегиши корхона ва ташкиллар ҳамкорлигига ташкил этилган 58 бўш иш ўринлари ярмаркасида 27 минг нафар киши ишга хойлашди. Эллик минг нафардан ортиқ фуқаролар меҳнат кунчунчилиги бўйича тегиши маслаҳатлар берилди.

Мазкур йўналишда ишлаб чиқилган резага асосан 2011 йилда пойтактимизда

**МИРЗО** Улуғбек туманидаги Тошкент аҳборот технологиялари коллежида «Ёшлар тарбияси билан шуғулланиш самародорлигини оширишда фуқаролар йигинлари диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилари-

# ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

№ 33 (11.844)

Баҳоси эркин нарҳда

### Олий Мажлис Қонунчилик палатасида ДЕПУТАЛЛАР ОМБУДСМАН ҲИСОБОТИНИ МУҲОКАМА ҚИЛДИЛАР

Қонунчилик палатаси Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига мувофиқ парламентга тақдим этилган ваколатларга биноан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Инсон ҳуқуқлари бўйича вакилининг 2010 йилдаги фаолияти тўғрисидаги ҳисоботини эшилди. Ҳисоботни С.Рашидова тақдим этди. Инсон ҳуқуқлари ва эркинликларига риоя этилиши соҳасида давлат ҳокимияти органлари устидан парламент назорати Қонунчилик палатаси депутатлари ишининг мухим таркиби қисми бўлиб, бу масала алоҳида аҳамиятига моликдир. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ўз маърузаларида мазкур йўналишдаги доимий ишларнинг мухимлигини бир неча бор таъкидлаб ўтган.

Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили мазрузасида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов янги ташаббусларининг умумий маъно-моҳиятидан келиб чиққанда, ўтган йил Омбудсман учун инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини химоя қилиш соҳасидаги давлат сиёсатини рўёбга чиқарши бўйича ўз амалий ишларининг стратегиясини танлашда ҳал қиувлуб йил бўлганилиги таъкидланган. Олий Мажлис палаталарининг 2010 йил 12 ноябрь куни бўлиб ўтган қўшма мажлисида давлатимиз раҳбари илгари сурған «Мамлакатимизда демократик ислоботларни янада чукурлашириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси» парламент Инсон ҳуқуқлари бўйича вакилининг ишига янги жўшиклик баҳш этди, мамлакатимизда демократининг ушбу мухим институти самародорлигини янада ошириш йўлларини белгилаб берди.

Хуҗжатнинг савол-жавоблардан кейин бўлиб ўтган батаси мухокамаси вақтида барча сиёсий партиялар фракциялари ва Ўзбекистон Экологик ҳародатидан сайланган депутатлик гурухи вакиллари сўзга чиқдилар. Тадбиркорлар ва ишшибармонлар харакати – Ўзбекистон Либерал-демократик партиясидан сайланган депутатлар таъкидладилари, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини химоя қилиш соҳасидаги миллий конун хуҷжатларини тақомиллаштиришга кўмаклашиш, ушбу соҳадаги қонуларга риоя этилишининг мониторингини юритиш, фуқароларнинг мурожаатларини кўриб чиқшиша уларнинг бўзилган ҳуқуқларни тиқлашда ёрдамлашиш, фуқаролик жамиятини институтлари ва давлат тузилмалари билан бирорликда ахолининг ҳуқуқий онгини ошириш, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш соҳасидаги ҳалқаро ҳамкорлик ўтган йили Омбудсман фолијатининг устувор йўналишлари бўлди. Омбудсманнинг инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш соҳасидаги ҳалқаро ҳамкорлиги янада кенгайди. Фуқаролик жамиятини институтлари ва давлат тузилмалари ишлаб оширишни беради.

(Давоми 2-бетда)

### 2011 йил – Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили

Президентимиз Ислом Каримовнинг 2010 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2011 йилга мўлжалланган энг мухим устувор йўналишларга бағишиланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузасида аҳоли бандлигини таъминлаш ва янги иш ўринларини ташкил қилиш масаласига алоҳида эътибор қаратилди.

### АҲОЛИ БАНДЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ ЙЎЛИДА

80 мингдан ортиқ янги иш ўрини яратиш кўзда тутилган. Унинг асосий қисми кичик корхона ва микрофирмалар ташкил этиши, якка тартибдаги тадбиркорлик ва ўй меҳнатининг барча шакларини ривожлантириш хисобидан амалга оширилади.

Айни пайтда янги иш ўринлари очиш, корхона ва ташкиллардаги

мавжуд бўш иш ўринларини аниқлаш ва уларга фуқароларни жойлаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Мирзо Улуғбек тумани бандлигика кўмаклашиш марказидан маълум қилишларича, жорий йилнинг январь ойидаги сўраб мурожаат килган ўнлаб фуқа-

нинг вазифалари» мавзуида ўкув се-  
минари бўлиб ўтмоқда.

**КЕЧА** Тошкент Давлат техника уни-  
верситетида талаба-ёшлар иштирокида  
ўтказилган маънавий-маърифий тадбир  
«БМТ фаолияти ва Ёшлар модели» деб ном-  
ланди.

ролар ишли бўлди. Муаттар Абдурасулов – уларнинг бири.

– Ўтган йили пойтактимиздаги тиб-  
биёт коллежини битирдим, – дейди Му-  
аттар. – Якунда Тошкент шаҳар 5-кли-  
ник шифохонасида ҳамшира бўлиб иш  
бошлидим. Иш жараёнда касб-хунар  
колледжа олган билим ва кўнгилмалар-  
ним кўл келмоқда, шифохона катта ҳам-  
ширлар соҳага оид кўп нарсаларни  
ўргатишмоқда. Ўзим қизиқсан соҳада  
ишилаётганимдан маънумнан.

(Давоми 2-бетда)

**КЕЧА** 1-Тошкент педагогика коллежи-  
да битирувчilar малакасидан унумли фой-  
даланиш, касб-хунар коллежлари битир-  
чиларининг ўз хусусий ишларини очиши-  
рада имтиёзли кредитлар бериш, улар учун  
иш ўринлари яратиш масалаларига бағи-  
шланган давра сұхбати ўтказилди.

**XXI садоси**

аср

БАРЧА МАНБАЛАРДАН  
ОЛИНГАН СҮНГИ ХАБАРЛАР

**МАМЛАКАТИМИЗДА**

• Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирилиги ташаббуси билан Фарғона ва Наманган вилоятлари туманларида Ўзбекистон Республикаси Президентининг ўтган йилнинг ноябрь ойида бўлиб ўтган Олий Мажлис палаталари кўшма мажлисида «Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чукурлашириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси» мавзусидаги маърузасининг мазмун-моҳиятига бағишиланган тадбирлар ўтказилди.

• Наманганда Ўзбекистон-Хитой савдо уйининг ваколатхонаси очилди. Бу ишлаб чиқаришга ихтисослашган наманганлик тадбиркорларга Хитойдан зарурий усуналарни олиб келиш имконини беради. Айни пайтда Ўзбекистон-Хитой савдо уйининг 28 та агентлик идораси маъжуд бўлиб, унга 300 га яқин компания яшади.

• Марҳамат туманидаги Шукурмерган, Қорабогиши қишлоқлари ҳамда Қоракўрон қишлоғининг Оқбош махалласидаги 710 та хонадонга тоза ичимлик суви кириб борди. Бунинг учун 12,6 километрлик масоғага кувур тортилди. Ушбу хайрли ишни амалга оширишда 55,7 миллион сўм маблағ сарфланди.

• Сирдарё вилояти Мирзаобод туманидаги «Сирдарёбалик» МЧЖ раҳбари Ислом Ҳайитметов банкдан олган 40 миллион сўмлик кредити эвазига балиқ боқишина оширилди. 13 та иш ўрни яратилган мазкур жамият томонидан ўтган киска муддат ичида 98,5 тонна балиқ етишилди, аҳоли дастурхонига етказиб берилди.

• Андижон туманидаги «Эверест реал имкон фарорит» МЧЖ жамоаси бўш турган бинони мукаммал таъмирлаб, кувур ишлаб чиқарадиган корхона ташкил қилди. 30 киши иш билан таъминланган корхонада кунига 17 турдаги 30 тоннага яқин металл кувурлар ишлаб чиқарилди, буюртмачиларга етказиб берилмоқда.

• Осиё тараққиёт банкининг 65 миллион АҚШ долларилик кўмаги билан «Коракалпогистон Республикаси ва Хоразм вилоятида ичимлик суви тармоқларини яхшилаш» лойиҳаси ниҳоясига етказилмоқда. Ҳозирга қадар ушбу лойиҳа доирасида Оролбўйнинг олис овулларида истикомат килаётган деярли 73 минг кишининг хонадонига ичимлик суви кириб борди.

• Янгиариқлик тадбиркор Рустам Қодиров саъй-ҳаракати билан туман марказида замонавий майший хизмат кўрсатиш мажмуаси курилиб, фойдаланишга ташкил қилди. Ҳозир бу ерда тикувчилик цехи, гўззалик салони, сартарошона, автомобилларга техник хизмат кўрсатиш каби бир қатор сервис ва майший хизмат шохобчалари хизмат кўрсатмоқда.

**ЖАҲОНДА**

- Россия Федерацияси ва Италия ўтасида энергетика соҳасида ҳамкорлик юзасидан битим имзоланди.
- Кече Нью-Йорк хом ашё биржасида ўтказилган навбатдаги савдолар чоғидаги WTI русумли нефть нархи 0,49 долларга пасайиб, «қора олтин»нинг бир баррели 84,32 доллар қийматида қайд этилди.
- Кече Мозамбик худудида мухожирлар тушган қайикнинг тўнтирилиб кетиши натижасида 50 киши ҳаётдан кўз юмди.
- Япониянинг Миз музофотида парранда гриппи қайд этилди. Хавфсизликни таъминлаш мақсадида шаҳар маъмурлари 67 мингта тоқуви йўқ килишади.
- Кече Сомали пойтахти Могадишода тинч намойишга чиқканларга ҳарбийларнинг ўзиши натижасида уч киши ҳалок бўлди.
- АҚШ Украинанинг ядро хавфсизлигини таъминлаш учун 50 миллион доллар мидорида маблағ ажратди.
- Охота денгизида изсиз йўқолганд «Аметист» кемасини топиш учун авиация ҳам жалб этилди.
- Молдавия шакар нархи ошишига баражам бериши ҳамда ўз ички бозорида етишмовчилик юзага келмаслиги учун ушбу маҳсулот экспортини тўхтатишга қарор қилди.

• Гондурас пойтахти Тегусигальпа шахри яқинида кичик ҳажмли самолётнинг ҳалокатга учраши оқибатида ҳаво кемаси бортидаги 20 кишидан 13 нафари ҳаётдан кўз юмди. Сан-Педро-Сула шаҳридан пойтахт сари парвоз қўлган транспорт воситаси билан бояглиқ кўнгилсизлик сабаблари ҳозирча номаълум.





## Футбол

## ЮКСАК ЭЪТИБОР САМАРАСИ

Одил Ахмедов — «Энг яхши футболчи» халқаро танловида иккинчи ўринни олди

Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида спорти, хусусан, миллионлар ўйини бўлган футбольни ривожлантиришга қартилаётган улкан эътибор ўзининг юксак самараларини бермокда. Миллий терма жамоаларимиз ва катор професионал футболнинг клубларимизнинг нуғузли мусобақалардаги кўрсатчилари йилдан-йил яхшиланмоқда, муҳлису мутахассислар ишончини қозонштаган иқтидорли ёш футбочилар сафи тобора кенгаймоқда. Давлатимиз раҳбларининг 2011 йил 19 январда қабул килинган «2011-2013 йillarda республикада футболни ривожлантириш ва моддий-техника базасини мустахкамлаш бўйича кўшишим чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори асосида мамлакатимизда футболни янада ривожлантиришга қартиланган изчил чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Бундай юксак эътибор самарасида ҳамиротларининг халқаро майдонда эришаётган ютуклари сони ва саломги ошиб бораётгани барчамизи хушнуд этмоқда.

Футбол бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси ярим химоячиси Одил Ахмедовнинг Мустақил давлатлар Хамдустлиги ва Болтиқбўй мамлакатлари миёқсида января ойининг «Энг яхши футболчisi»ни аниқлаш мақсадида ўтказилган сўровда иккинчи ўринни ишаглалаган ҳам бунинг ёрқин ифодасидир.

Россиянинг «Спорт экспресс» газетаси таҳтирияни томонидан МДХ ва Болтиқбўй мамлакатларида фаолият кўрсатштаган биттадан оммавий ахборот ворситаси ҳамда «Спорт экспресс» газетасининг интернет сайти мухлислари хар ойнинг энг кучли беш на-

фар футболчини аниқлади. Йил охирида сўровномада энг кўп очко жамғарган чарм тўп устасига «Спорт экспресс» газетаси таъсис этган «Звезда» мукофоти топширилади.

Одил Ахмедов учун 2011 йилнинг дастлабки ойи муввафқиятли бўлди. У Катарда ўтказилган «Осиё кубоги — 2011» мусобақасида ёрқин ўйин кўрсатиб, миллий терма жамоамизнинг кучли тўртликдан жой олишига катта ҳисса қўши. Одил олти учрашувода майдонга тушиб, иккни маротаба ракиблар дарвазасини ишғол қилди. Мусобақанинг биринчи ва энг чироғи голини киритди.

Беларусь, Латвия, Молдава, Ўзбекистон оммавий ахборот воситалари ва «Спорт экспресс» сайти ўзбекистонлирни чарм тўп устасини биринчи ўринни лойик топди. Лекин сўровда жами 48 очко жамғарган Одил Ахмедов умумий рўйхатда Германиянинг «Бавария» жамоасида тўп сурайдаган украинали Анатолий Тимошукдан кейин иккинчи ўринни эгаллади.

«Спорт экспресс» мутахассислари январь ойида футбол оламининг энг мухим беш воеасини ҳам аниқлади. Унга кўра, Вадим Абрамов бош муррабийлик килаётган Ўзбекистон миллий терма жамоасининг «Осиё кубоги — 2011» мусобақасида ярим финалга чишики МДХ ва Болтиқбўй худудида футбол соҳасида энг эътиборга молик воеа сифатида қайд этилди.

Шунингдек, ўзбекистонлик ФИФА рефериси Равшан Эрматовнинг 2010 йилдаги дунё ҳамкорлари орасида иккинчи ўринни эгаллагани ҳам январь ойининг энг мухим беш воеасидан бири бўлди.



Жаҳон спорт журналистикасида катта мавқега эга бўлган «Спорт экспресс» нашрнинг футбол оламида юз берган янгилик ва воеалярни таҳлил килиш ва баҳолашда Ўзбекистон футболига алоҳида эътибор каратган бежиз эмас. Зоро, Равшан Эрматовнинг хамкорлик соҳасида эришаётган улказ ютуклари, хусусан, Жанубий Африка Республикасида ўтказилган жаҳон чемпионати ўйинларини ююри савида бошқаргани, Ўзбекистон миллий терма жамоасининг «Осиё кубоги — 2011» мусобақасидаги муввафқиятли иштироки ва бош муррабий Вадим Абрамовнинг ўйинлар давомида кўллаган янгича тактик усуллари, миллий терма жамоамиз аъзолари — Одил Ахмедов, Сервер Жепаров, Игнатий Несторов, Темур Копадзе, Жасур Ҳасанов, Анзор Исмоилов, Санжар Турсунов сингари истеъодли чарм тўп усталирнинг чироили ва ишончли ўйинлари жаҳон ҳамжамиятида ўзбек футболига бўлган қизиқишини тобора оширилмоқда.

Зоҳир ТОШХУҶАЕВ,  
ЎЗА мухибири

# 03-03 ўғаний домо бўйи

## МАШРИҚЗАМИН — ҲИҚМАТ БЎСТОНИ ҲИҚМАТЛАР ГУЛДАСАСИ

ВАТАН ВА ВАТАНПАРVARЛИК ҲАҚИДА

Силлиқ тоз — шаршара тагида сайқаллангандир.

Пўлат — кучли оловда тобланади.

Ҳарбий маҳорат — чиникишдан ҳосил бўлади.

Ҳарбий таълим — жасорат мактабидир.

Ватанинг байроби — аскарнинг виж-донидир.

Машқ — ғалаба омили.

Ватанини қўриган — номус-орини қўрийди.

Ватанинг тинчлиги — ҳарбий кудрат билан.

Диёр — чегарачининг қарогида.

Ватанинг тафти — чегарачини иситади.

Баҳодирлик — ўлимга чап бера олади.

Ватан ҳавфисизлиги посбонга боғлик.

Ўғлиниг жасорати — отанинг қувончи.

Ватан учун курбон бўлганларнинг хоки — муқаддасидир.

## БУРЧ ҲАҚИДА

Бурч — ҳаётнинг мазмунидир.

Бурчи йўқнинг — бурди йўқ.

Бурчни сезиш — онглилиқдир.

Бурчни адо этиш — мукаммалликдир.

Куёш билан ой ҳам бурч ўтайди.

Ҳар бир тирик жоннинг ўз бурчи бор.

Ҳукуқ билан бурч — қушнинг иккни канотидек. Уларнинг бири бўлмаса, ҳаёт майбланади.

Ҳар бир одам аввал жамият олдида, сўнгра эса, ўз қадри олдида бурчдордиди.

Олтин ва сопол кўзаларнинг бурчи — бир хил.

Доимо бурчини адо этиб юрувчи одамнинг бағри тоғдай юксак.

Анжир дарахти — эгри-буғри бўлсада, бурчим, деб ширин мевалар беради.

Софликни сақлаш — виж-дониннинг бурчи.

Бурчини муқаддас билган одам тафтишлардан кўркмайди.

(Давоми бор)



туради, вақти-вақти билан ёнгичаршик бўйад, туман тушади. Шарқдан гарб томоне секундига 7-12 метр тезлигда, кўчай-ган холда секундига 15-20 метр тезлигда шамол эсади.

Кечаси ҳорорат — 0-5 дарахса ишлек, кундузи — 10-15 дарахса ишлек бўлади.

Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотига кўра, 17 февраль куни Тошкент шаҳарни об-хово шароити шаҳар ҳаво мухитидарзари модда-ларини бирор тарқалиб кетишига имконият яратади, тағмидори паст бўлади.

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўйимларига ёки «Тошкент почтамтими»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета таҳририят компъютер марказида терили ва саҳифаланди.

«Шарқ» нашримёт-матбаса акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчуси, 41-йи.

123 45

Ўзбекистон Давлат консерваториясида бугун  
Ўзбекистон миллий симфоник оркестри  
ҳамкорлигига германиялик таникли дирижёр ва бастакор Дэвид Роберт Колманнини концерт дастури намойиш этилади.

## ҲАМКОРЛИКДАГИ КОНЦЕРТ ДАСТУРИ

— Дэвид ёш бўлишига қарамай дунёнинг таникли бастакорлари сафига кўшилишга улгурди, — дейилади Германиянинг ютилизмиздаги элчинонасидан олинган маълумотномада. — Ўзбекистонлик санъат ихлюсмандари ушбу концерт дастурида машур Вольфганг Амадеи Моцарт, шунингдек Пётр Ильич Чайковскийнинг мусиқали асарларини тинглаш имконига эга бўлишида. Дэвид Лондонда туғилип, мусиқага доир маълумотини Кэмбридж коллежи ва Лондон қирорли мусиқа академиясида олди. Бугунги мавзига Кент Нагано, Пьер Булез ва Саймон Рэттл каби дунёга таникли бастакорлардан сабок олиш орқали эришид. Мазкур лойиха Германия Федератив Республикасининг маълуматимиздаги элчинонаси ҳамда Ўзбекистон конкумада оширилмоқда.

Дэвидниң баланд овози Монхен, Берлин, Франкфурт, Майнц, Экс-ан-Прованс ва Монреалнинг катта саҳналаридан янграган. 2008 йилда ёш бастакор Германия ва Европанинг башка давлатлари халқарининг севимли санъаткорига айланди. 2001 йилда ёш бастакорлар ўртасидан ўтказилган чорбик-танловнинг бош совинини кўлга киритган.

Инобат ЭГАМКУЛОВА,  
«Туркистон-пресс»

## ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР / ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

### ФУҚАРОЛАР ВА ТАШКИЛОТЛАР ДИҚҚАТИГА!

Фуқаро (ташкilot)ларнинг Тошкент шаҳар Ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси ҳамда Ер тузиши ва кўчмас мулк кадастри хизмати ходимлари билан биргаликда ишлаш жараёнларида, бошқарма ва хизмат ходимлари томонидан ноконуний хатти-харакатларга йўл кўйилишининг олдини олиш ҳамда бу каби ҳолатлар юзага келганда тезкор чора-тадбирлар кўриш, юридик ва жисмоний шахсларнинг қонун билан ҳимояланган хукуқ ва мағфаатлари поймол бўлмаслигини таъминлаш, шунингдек, бошқарма ва хизмат ходимлари томонидан юртасидан маълумотлар қабул қилиши мақсадида, юридик ва жисмоний шахслар билан тўғридан-тўғри алоқа ўрнатувчи «Ишонч телефони» тизими жорий этилди.

Ишонч телефони рақами: 239-35-21

Тошкент шаҳар Ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси раҳбарияти

## Санъат

### МУСИҚИЙ КЕЧА

Ўзбекистон Давлат консерваториясининг катта залида Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби, профессор, композитор Мустафо Бафоевнинг ижодий кечаси бўлиб ўтди.

«Чаман ичра» кўшиғи таъсирида яратилган бўлса, танбур, сато ва оркестр учун концерт кунчига мамлакатда миллий мусикимизни тарғиб килиш мақсадида Япония мусика жамиятининг махсус буортасига кўра ўзилган. Энг куонарларни шуки; илк маротаба ижро ўтилган ўшбу асарлар катта муввафқиятта эришиб, санъат билимдонлари томонидан уйли даражада бахоланди. Концертнинг яккахонлари, Ҳалқаро ва Республика танловлар совирнорлари Файрат Юлдашев

(кларнет), Санжар Қосимов (труба), Вадим Шведчиков (валторна) ва Иззат Маршарипов (танбур-сато) лар ажойиб ижорлари билан тингловчилари хушнуд этилар. Шунингдек, концертда ёш ва истеъодли дирижёр, Ҳалқаро танлов совирнори ғизи Шоҳакимов бошчилигидаги Ўзбекистон миллий симфоник оркестри иштироғи этилди.

Дилноза АСАНОВА,  
Ўзбекистон Давлат консерваторияси талабаси

ахволини тасаввур килаётгандирсиз? Томга караб, бир муддат кўзларига ишонмади, аммо севимли «темир тулпор»нинг қай ахволга тушганини кўриб, ақи жойига келди. Дарҳол ичкни ишлар идорасига кўнгирор килиб, бу ҳақда хабар берди. Ҳукуқни мухофаза килувчи идора ходимларининг ҳархатлари билан Олег кўлга олиниб, етказилган зарар коплаттилди.

Тўйлган АБДУЛЛАЕВ,  
Тошкент шаҳар ИИБ

Матбут маркази бошлиғи, майор

Саводларида қатнашиш учун талабгорлар сўмлик «Кларисон» автомагнитоласи, 100000 сўмлик овоз чиқарыш карнайлари, 100000 сўмлик автоулов орқа ёритиш чироқларини ўғирлаб кетган.